

## Абу Абдурахмон Авф ибн Молик Ашжаъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:



05:43 / 17.09.2018 3777

Абу Абдурахмон Авф ибн Молик Ашжаъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Биз тўққиз ёки саккиз ёки етти нафар киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида эдик. У зот: «**Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилмайсизларми?**» дедилар. Биз ўша кунларда янги байъат қилган эдик. Ва: «Эй Расулуллоҳ! Биз сизга байъат қилдик-ку?» дедик. Сўнгра у зот яна: «**Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?**» дегандилар, биз қўлларимизни узатиб: «Эй Расулуллоҳ, сизга байъат қилдик-ку? Қайси нарсага байъат қиламиз?», дедик. Шунда у зот: «**Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасдан ибодат, беш вақт намозларни ўқиш ва итоат қилиш**», деб овозларини

пасайтириб, енгил: «**Одамлардан бирор нарса сўраманглар**», дедилар. Авф ибн Молик: «Мен байъат қилган тоифалардан баъзиларини кўрдим, улардан бирорталарининг қамчилари ерга тушиб кетса, бирор кишини олиб беришини сўрашмас эди», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.